

## ХАЛҚ ДОСТОНЛАРИНИНГ МИЛЛИЙ МАДАНИЯТИМИЗДА ТУТГАН ЎРНИ

*Ансамбаев Нажиматдин*

*Ўзбекистон халқ артисти, Бердақ номидаги давлат  
мукофати, «Меҳнат шухрат», «Эл юрт» ва «Дўстлик»  
орденлари совриндори, Ўзбекистонга хизмат  
кўрсатган ёшлар мураббийи,  
ЎзДСМИ Нукус филиали профессор*

**Аннотация:** Ушбу мақолада Қорақалпоқ халқ достонларининг миллий маданиятимизда тутган ўрни ҳақида сўз этилади.

**Калит сўзлар:** урф-одат, достон, эпослар, қисса, жир, бахши, маданият, санъат.

**Abstract:** This article talks about the role of Karakalpak folk epics in our national culture.

**Key words:** tradition, epic, epics, story, jir, bakhshi, culture, art.

Ҳаётимизда барча соҳаларда амалга оширилаётган кенг-кўламдаги реформаларимизнинг натижаси энг аввало халқ маънавиятининг тикланиши, бой тарихий мъеросларимизнинг чуқур урганилиши, дастур урф- одатларимизнинг сақланиши, маданият ва санъат, фан ва таълимнинг ривожланишининг, энг асосийси жамоатчилик фикрлаши ўзгариши ва юксалиши билан тифиз боғлиқ.

Ҳақийқаттан ҳам, ҳар бир халқ ёки миллатнинг маънавиятининг унинг тарихи, адабиёти, ўзига хос урф-одат ва дастурлари, миллий қадриятларида акс беради.

Фольклор асарларда халқимиз бадий тафаккурининг бой ва қадимий анъаналари мужассам топган, уларнинг ўзига хос ижроси асрлар давомида халқимизга завқ-шавқ бағишлаган ва қорақалпоқ халқи маънавий хазинасининг бебаҳо қадрияти сифатида эъзозланган.

Достонлар адабиёшунослик илмида, адабиёт тарихида «эпослар» деб ҳам номланади, баъзан «қисса» деб номланишини ҳам учратамиз. Айрим халқларда «жир» деб номлайди.

Ушбу достонлар ёки эпослар барча халқларнинг энг катта ҳайкали ҳисобланади.

Халқ достонларида халқнинг маълум бир даври, айрим вақтларда бир неча тарихий турмиши, яшаши, бошқа халқлар билан муносабати урф- одатлари, дастурлари, томошалари, умуман олганда барча материаллик ва маънавий ҳаёти таъсирланади.

Достонларнинг қўшма жанрли маънога эканлиги маълум. Достон матни шъерий ва насрий парчалардан иборат, унда ҳаёлий уйлар ҳам, ноқил- мақоллар билан термалар ҳам биргаликта кела беради.

Бошқа да кўпчилик халқлар сингари қорақалпоқ фольклорининг асосида «жиров», «бахши», сўнг эса «қиссахон» деб номланган ижрочиларнинг бўлиши, халқ оғзаки ижодига тегишли воқеалик ҳодисаларга боғлиқ. Бахши- шоирлар,

оқин-жировлар эл орасида дostonларни айтиб одамларга эзгулик ва маърифат тарқатувчи, ёшларни мардлик, ҳалоллик ва бағрикенглик руҳида камолга етказувчи улуғ инсонлар сифатида қадрланган.

Қорақалпоқ халқ дostonларида қаҳармонларнинг иш-ҳаракатининг асосий воқеалари ташқи душманларга қарши кураш, уларнинг ўз-аро муҳаббат муносабатлари бўлиб ҳисобланади. Барча дostonларда таъсирланадиган жасорат, дўстлик, инсонпарварлик, юртни севмоқ, ақл фарасот ва бошқада шунга уқшаш қарши кураш ушбу икки катта воқеанинг атрофида ечимини топиб ўтиради.

Дoston анъаналарида умумий тушинча ташқи душманга қарши кураш ва севги масаласи бирча халқлар дostonларида учрайди.

Ўзининг сифатига қараб қорақалпоқ дostonларини иккига бўлиш мумкин.

1) Қорақалпоқ дostonлари- булар «Ботирлар жири» (жасоратлик ҳақида), «Қорақалпоқ эпоси» деб ҳам номланади.

2) Ишқий дostonлар- булар лиро-эпослар ҳам деб номланади.

Ҳақийқатдан халқчил қорақалпоқ дostonларин тасдиқлайдиган сифатлари мавжуд. Фольклор асарлари мағзида инсон камолоти учун хизмат қиладиган ғоя туради, у халқнинг боқий тарихини ўзида акс эттиради, уни келгуси авлодларга етказилади.

Халқ дostonлари ўзларининг асосий ғояси, иш-ҳаракати қаҳорманлик асосий ғояси иш-ҳаракати, фъел-атвори, дostonларнинг тарихий илмий- сиёсий турмишига туғри келади.

Халқчил дostonларга чуқур патротизм тан. Шунингдек қорақалпоқ халқ дostonларида халқлар дўстлиги масаласин таъсирлашга кенг ўрин ажратилган. У юқори халқлик маънодан демократия билан сўз этилади.

Қорақалпоқ халқ дostonларининг энг сифатли белгиларидан бири у қотин-қизларга бўлган кўз-қараш, чинакам халқчил демократия билан ҳикоя қилинади. Дostonларнинг барчаси деярли қотин-қизлар қаҳармонларнинг энг яқин маслаҳатчиси сифатида маҳирона таъсирланади.

Халқ дostonларида мартлик, жасорат, юртни қўрғаш, ташқи душманларга кураш, халқнинг ҳаётига зақм келтирадиган бошқада ҳар қил нарсаларга қарши курашлар асосий мавзу сифатида сўз қилиниб, ҳаётнинг бошқа воқеалари ушбу асосий мавзунини тўлиқтириш учун берилади. Дostonларда кўпинча қаҳармонларнинг мартлигини, кучини, уришдаги ботирлигини ҳар қил юришларин, бу йўлдаги қийинчиликларин, ғалабага еришинин, барчасини бош қаҳармоннинг жасоратини таърифлаш учун кўмакчи сифатида кўрсатилади.

Шу сингари ботирликни, мардликни таъсирлайдиган халқ дostonлари бизнинг миллий маданиятимизнинг, маънавий бойлигимизнинг янада кенг кўламли ривожланишида ўз таъсирини ўтказишига шухба йўқ.

Асосий вазифа- ўсиб келаётган ёш авлодларимизга, унинг маънавий тарбиясига катта жавобгарчилик билан эътибор қаратиш, миллийлигимизни, дунё халқлари тан олган халқ дostonларимизни уларнинг рухий дунёсига сингдириб бориш бугинги кунда энг муҳим масалаларнинг бири. Биринчи Президентимиз И.А.Каримов ўзининг барча асарларида, асосан «Юқори манавият- энгилмас куч» китобида урф-одат, салт-дастур, миллий

қадриятларимизни, маданиятимизни келажагимизнинг эгалари бўлган ёшларимизга чуқур ургатиш, рухий тарбиясига ушбу миллийлигимиз орқали таъсир этиш-энг жавобгарли вазифамиз деб айриқча атаб ўткан эди. Барчамизга маълумки, миллат ва халқнинг маънавияти, дунёга қараши, ва турмиш таъризин кўрсатадиган миллий маданиятимизга муносабат, уни замон талаблари даражасида ривожлантириш, халқ дostonларин хар томонлама ташвиқот қилиш орқали оқартувчилик, илм, фан, маданият, дин соҳаларининг барчасин ўзида мужассам қилган халқимизнинг маънавий оламининг кенглигини исботлаб бермоқ лозим.

Халқ дostonлари «Алпомиш», «Едиге», «Қирқ қиз», «Масподшо» ва бошқада дostonларда қорақалпоқ халқининг ҳаётида халқ эсида қолган тарихий воқеаларни кўраимиз.

Халқ дostonларида халқ ҳаётин, маънавий бойлигини, ватанга мухаббатини сездириб турадиган, ҳар қандай ёвуз кимсаларга қарши курашадиган адолатли қаҳармонликларни таъсирлаб гина қуймасдан, тарбиявий ахлоқ масаласида асосий ўрин эгаллаб туриши билан ҳам ажралиб туради.

Бу мангу яшаб келаётган асарлар халқимизнинг асрлар давомида кўз қарачиғидек асраб сақланиб келган. Бизнинг ота-баболаримиз ўз авлодларини ушбу халқ дostonлари асосида тарбиялаб келган, ўзлигини билган, рухий бойликга эга бўлган.

Халқ дostonларимизнинг миллий маданиятимизда тутган ўрни, ижро аҳамияти ўзгача. Келтириб ўтканимиздек халқ қаҳармонлик дostonлари ҳозирги вақтда кенг кўламда ривожлантириб, халқимиз орасида катта аҳамиятга эга бўлаётгани барчага маълум.

Дostonлар билан миллий маданиятимиз дунёга тонилмоқда. Барча даврларда инсоният учун энг улуғ бойлик бўлиб хизмат қилган миллийлигимизнинг маъно ва мазмуни бугинги кунда, мустақиллик йилларида ўзгача аҳамиятга эга бўлди.

«Айни вақтда ҳозирги глобаллашув даврида тижорат воситасига айланган «оммавий маданият», шоу-бизнеснинг салбий таъсири тобора кучайиб бораётган мураккаб замонда ҳар қандай миллий маданиятнинг булоғи бўлган фольклор саънати, таъбир жоиз бўлса, бу инсониятнинг болалик кўшиғидир»-деб атаб ўткан эди Президентимиз Ш.М.Мирзиёев.

ЮНЕСКО, АЙСЕКО сингари халқаро ташкилотларнинг бизнинг миллий маданиятимизга бўлган кўз-қарашлари, қизиғувчилиги билан бирга ҳурмат-эътиборин тартмоқда.

Шарқ халқлари халқ оғзаки ижодиётининг юксак намунаси бўлган бахшичилик санъати, фольклор аънавалари ва қадриятларини чуқур ўрганиш, тарғиб қилиш, ёшларимизни аждодлар меросига садоқат руҳида тарбиялаш, бахши-шоир, оқин, жировлар ижодининг маданият ва санъатдаги ўрни ҳамда аҳамиятини янада ошириш, маданий-маънавий муносабатларни халқаро миқёсда кенгайтириш мақсадида Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёевнинг 2018 йил 1 ноябрдаги “Халқаро бахшичилик санъати фестивалини ўтказиш тўғрисида”ги қарори мамлакатимизда бахшичилик ва дostonчилик санъатини ривожлантириш, уни жаҳон миқёсида кенг тарғиб этишда янги босқични бошлаб

берди.

Миллий маданиятимизнинг ривожланишида асосий эътибор берилиб, ҳурматли Президентимизнинг ҳозирги вақтга доир маданият соҳасида 45 қарори жорияланди.

Президентимизнинг шахсан раҳбарлигида юртимизда бахшичилик мактаблари ташкил қилинмоқда.

Халқ дастонларини жирловши бахши жировларни қўллаш, халқ дастонлари нуфузини дунёга тонитиш-бу бизнинг миллий маданиятимизнинг юқори даражада ривожланганидан далолат беради.

2019 йил 5-10-апрель кунлари Сурхондарё вилояти Термиз шаҳрида Халқаро бахшичилик санъати фестивали ўтказилди.

Халқаро даражада ўтказилган ушбу фестивалда жаҳоннинг 74 давлатидан 160 дан ортиқ вакиллар иштирок этди.

Демак, бизнинг миллий маданиятимизнинг ривожланишидан дунё халқлари мамнун.

Шунинг учун ҳам миллий маданиятимизнинг асоси бўлган халқ достонларин чуқур ўрганиш, нодир достонларимизнинг мазмун-моҳиятини кенг таҳлил қилиш, миллийлигимизни асраб абайлаш, тарғибот қилиш бизнинг бугинги кундаги вазифамиз бўлиб тобилади.

### **Фойдаланилган адабиётлар**

1. И.А.Каримов «Юқори манавият- енгилмас куч»
2. Аюмбетов Қ. Халқ даналігі
3. Асқар.Ғ. Musiqa va inson manaviyati ., Toshkent.2000.
4. Nizanov.M. Qaraqalpaqlar. Ekinshi kitap., Bilim.2020.
5. Qaraqalpaq folklori
6. www.ziyonet.uz
7. lex.uz